

«ГАСДИКЛАЙМАН»
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУХИТНИ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
КУМИТАСИ РАИСИ УРИНБОС АРИ
ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ РАИСИ



И БОҚИЖОНОВ

2021 й. 09.06

ТЕНДЕР ТАҚ. ИФ. БАРИШИ ТАҚДИМ ЎТИШИ УЧУН СЎРОВ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА МАНШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ ЛОЙИХАСИ

Лойиҳа (тендер) номи

«Хоразм вилояти Қушқўпир туманида каттик маншиЙ чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик (ДШ) шартлари асосида бошқариш»

ДШ объектининг жойлашуви

Хоразм вилояти Қушқўпир тумани

Давлат шериги

Хоразм вилояти ҳокимлиги

Давлат шериги

Хоразм вилояти экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси

Тендер ташкилотчиси

Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси
Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Марзо Устўбек тумани, Сайрам кўчаси,
15-уй. телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#)

Тошкент, 2021 й. 09.06

1. Асосий тушунчалар

1. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун мазкур тендер ҳужжатларида куйидаги тушунчалар қўлланилади:

- 1) **Давлат-хусусий шериклик** (кейинги ўринларида - ДХШ) – давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;
- 2) **ДХШ лойиҳаси** - давлат-хусусий шерикликка асосланган маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳаси;
- 3) **ДХШ лойиҳасининг концепцияси** – давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланадиган, ДХШ лойиҳасини амалга оширишни хал этишга доир танловни асослаб берадиган, шунингдек, жалб қилинадиган инвестицияларнинг қайтарилишини таъминлаш механизмларини ўз ичига олган ҳужжат;
- 4) **ДХШ объекти** – қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ шартлари асосида амалга ошириладиган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш учун инфратузилма;
- 5) **давлат шериги** – Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва вилоят ҳокимлиги (кейинги ўринларида – давлат шериги);
- 6) **тендер** - ДХШ лойиҳаси доирасида соддалаштирилган рақобат тартибларидан фойдаланиб хусусий шерикни танлаш бўйича очик тендер;
- 7) **тендер таклифларнинг сўрови ёки тендер ҳужжатлари** – ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳукуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатлари;
- 8) **тендер ташкилотчиси** - Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси;
- 9) **тендер комиссия** - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳукуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси;
- 10) **мезонлар** – давлат-хусусий шериклик асосида маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида кластерларни ташкил этиш бўйича ДХШ лойиҳасининг тендер ҳужжатларида белгиланган тендер ғолибларни танлаш мезонлари;
- 11) **битим** – тендер ташкилотчиси томонидан тендер комиссия қарори асосида тендер ғолиби билан тузиладиган ДХШ асосида маиший чиқиндиларни бошқариш тўғрисидаги битим;
- 12) **лойиҳани баҳолаш ҳужжати** (кейинги ўринларида – ЛБХ) – лойиҳанинг қийматини ва молиялаштириш учун талаб этиладиган маблағлар ҳажмини белгилаб берувчи ҳамда асосланган энг мақбул техник-технологик ва лойиҳани амалга ошириш бўйича ташкилий қарорни қабул қилишни асословчи лойиҳа ҳужжати;
- 13) **талабгор** – ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича қизиқиш билдирган, тендерда иштирок этиш учун дастлабки малака ҳужжатларни ва тендер таклифларни тақдим этган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки бир нечта тадбиркор ва юридик шахс иштирокида тузилган консорциум (оддий шерикчилик);

- 14) **тендер ғолиби** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер жараёни якунлари бўйича ДХШ тўғрисида битим тузиш учун танланган талабгор (хусусий шерик);
 - 15) **заҳирадаги ғолиб** – тендер комиссиясининг қарорига асосан тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор (хусусий шерик).
2. Тендер ҳужжатларида куйидаги қисқартмалар қўлланилади:
- 1) **Агентлик** - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги;
 - 2) **Қонун** - Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги 537-сонли "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонуни (кейинги ўринларида – Қонун);
 - 3) **Низом** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сонли "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" қарорига мувофиқ тасдиқланган "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом" (кейинги ўринларида – Низом).

2. Умумий қоидалар

3. Мазкур тендер таклифларини тақдим этиш учун сўров (ёки тендер ҳужжатлари тўплами) Қонун ва Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. Маиший чикиндиларни бошқариш соҳасидаги ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга бўлиш учун хусусий шерикни танлаш учун мазкур сўров ҳужжати потенциал талабгорларга тендерда иштирок этиш шартлари, тартиб ва талаблари ҳақида тўлиқ маълумот бериш учун мўлжалланган.

5. Ушбу тендер ҳужжатлари тўплами умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказиш мақсадида ҳамда умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказиш мақсадида қўлланилади.

6. Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарорлар ва шартлар асосида техникавий ва молиявий таклифларни қамраб олган батафсил бизнес-режа кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

7. Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади: а) биринчи босқичда талабгорларнинг малака ҳужжатлари кўриб чиқилади ва белгиланган малака мезонларига мослиги баҳоланади. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтиш учун талабгорлар камида 60 (олтмиш) балл тўплаш лозим. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади; б) иккинчи босқичда киритилган техникавий ва молиявий таклифлар (бизнес-режа) тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

8. Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер ўтказишга ҳақли.

9. ДХШ лойиҳасини концепцияси тендер ҳужжатларининг **1-иловасида** келтирилган.

3. Тендер комиссияси

10. Давлат шериги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер қолибини аниқлаш учун тендер комиссиясини шакллантиради (Қонуннинг 24-моддаси).

11. Тендер комиссиянинг асосий вазифалари:

- 1) тендер ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 2) зарур ҳолларда тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш;
- 3) потенциал талабгорлар томонидан тендер таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек уларнинг тендер ҳужжатларида акс эттирилган барча талабларига мувофиқлигини аниқлаш;
- 4) тендер таклифларини баҳолаш натижаларни тасдиқлаш, тендер қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;
- 5) давлат шериги ва ваколатли давлат органи томонидан зарур ҳолларда тендер қолиби билан музокаралар ўтказиш.

12. Ўз вазифаларига мувофиқ тендер комиссия куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 1) манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари вакиллари комиссия мажлисларига таклиф этиш ва уларни комиссия ваколатига кирувчи масалалар бўйича тинглаш;
- 2) ДХШ лойиҳасининг муаммоли масалаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш учун зарур бўлган мутахассислар, экспертлар ва олимларни жалб қилиш;
- 3) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ва бошқа ташкилотлардан комиссия вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган материалларни сўраб олиш ва қабул қилиш.

13. Давлат шеригининг вакили тендер комиссияси раисидир. Ваколатли давлат органининг вакили тендер комиссияси таркибида маслаҳат овози билан иштирок этади.

14. Раис бўлмаган пайтида Комиссия раиси ўринбосари раис вазифасини унинг номидан бажаради.

15. Тендер комиссияси таркибига давлат шеригининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ва ваколатли давлат органининг вакиллари мажбурий тартибда киритилади. Комиссия тоқ сонли аъзолардан иборат.

16. Комиссия мажлислари зарур ҳолларда ўтказилиб, унинг аъзолари умумий сонининг камида етмиш беш фоизи иштирокида ваколатли ҳисобланади, тендер комиссиясининг ҳар бир аъзоси эса бир овозга эга.

17. Комиссия аъзолари алоҳида фикирга эга бўлиш ҳуқуқига эга, агар у билдирилган бўлса, ёзма равишда баён этилиши ва комиссия баённомасига илова қилиниши керак.

18. Комиссияни қарорлари тендер комиссиясининг овоз берган аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлиб қолган тақдирда тендер комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Тендер комиссияси ўз мажлисларининг баённомаларини юритади, баённомалар унинг мажлисларда ҳозир бўлган барча аъзолари томонидан имзоланади.

20. Тендер комиссияси аъзосида мажлисга чиқарилган масалалар юзасидан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган тақдирда, у ўз номзодини қайтариб олишини билдириши ва ушбу масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

21. Комиссиянинг тендер таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун ишчи органи ташкил қилади. Комиссия ишчи органи ўз фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

22. Комиссия йиғилиши яқунлари бўйича ишчи орган манфаатдор томонларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабардор қилади.

23. Комиссия котиби тендер ташкилотчисининг вакили бўлиб, комиссия мажлисининг кун тартибига зарур ҳужжат ва маълумотларни тайёрлайди ва мажлис баённомасини тўзади.

24. Тендер комиссияси тендер ғолиби ва заҳирадаги ғолиб тўғрисидаги ахборотни давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

4. Тендер ҳужжатларининг таркиби

25. Маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида ДХШ тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга бўладиган хусусий шерикни танлаш учун тендер ҳужжатларида қуйидагилар акс эттирилган:

- 1) тендер ҳужжатлари бўйича тушинтириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 2) тендер таклифини тайёрлаш ва такдим қилиш талаблари;
- 3) тендер таклифига доир таъминот киритиш шартлари;
- 4) тендер таклифини амал қилиш муддати;
- 5) тендер таклифлари солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти
- 6) тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар;
- 7) тендер таклифларни очиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш;
- 8) тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш;
- 9) Илова 1 – ДХШ лойиҳасини концепцияси;
- 10) Илова 2 – Тендер таклифнинг шакиллари;
- 11) Илова 3 – Танлов мезонлари ва баҳолаш шартлари;
- 12) Илова 4 – ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси.

26. Ушбу тендер ҳужжатлари ўзбек тилида тайёрланган. Тендер таклифи ва у билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар, талабгор ва тендер ташкилотчиси орасида бўлган хатлар ва мурожаатлар ўзбек тилида бўлиши лозим. Талабгорга тегишли айрим ҳужжатлар бошқа тилда бўлса, уни ўзбекча таржимаси тендер таклифига илова қилиниши керак. Ҳужжат тўғрисидаги маълумотларни шарҳлаш бўйича келишмовчиликлар юзага келса, давлат тилида ҳужжатлар устуворлик қилади.

27. Тендер эълон қилингандан сўнг унда иштирок этиш истаги мавжуд талабгорлар тендер ҳужжатларини харид қиладилар, улар тўлов асосида ҳар бир талабгорга берилади. Тендер ҳужжати олиш учун тўлов миқдори Тендер комиссияси томонидан белгиланади. Тендер ташкилотчи томонидан талабгорлардан ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

28. Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўлов миқдори тўлангандан кейин тендер ташкилотчиси махсус яратилган интернет-ресурс (веб-портал) ёки бошқа электрон воситалар орқали талабгорларга тендер ҳужжатларининг нусхасини тақдим этади. Қоғоз шаклда тақдим этилганда, асл нусхадан нусха шаклида тақдим этилади.

29. Тендер ҳужжатларида назарда тутилган ДХШ объектининг техник кўрсаткичлари тендер таклифларни тайёрлаш ва топширишда потенциал талабгорлар учун мажбурийдир.

30. Тендер ҳужжатларида ва тендер савдоларини ўтказишда назарда тутилган шартлар ва шартлар билан боғлиқ низола қонун талабларига мувофиқ музокаралар йўли билан ҳал этилади. Акс ҳолда томонлар судда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ низо ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

5. Тендер ҳужжатлари буйича тушинтириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

31. Тендер ҳужжатларини олган талабгорлар, тендер ташкилотчисига тендер ҳужжатлари таркиби ва маъноси бўйича тушинтириш бериш мақсадида муружаат қилиши мумкин, аммо эълонда кўрсатилган тендер таклифларини тақдим этиш охириги муддатидан ўн календарь кундан кечиктирилмаган ҳолда.

32. Тендер ҳужжатлари юзасидан тушунтириш олиш учун талабгорлар қуйидаги манзилга ёзма ёки оғзаки равишда муружаат қилиши лозим: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-уй, телефон: (+99871) 207-07-70 (1072#), 4 қават.**

33. Тендер ташкилотчиси талабгорни тушунтириш сўровини рўйхатга олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида барча талабгорга жавоб юборади.

34. Давлат шериги ваколатли давлат органи билан келишувга кўра тендер ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга ҳақлидир. Давлат шериги тендер ҳужжатларига ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш календарь кундан кечиктирмай барча талабгорларни тендер ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар ҳақида хабардор қилиши шарт. Бунда тендер таклифларидаги ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар талабгорлар томонидан ҳисобга олиниши учун давлат шериги эълонда кўрсатилган тендер таклифларини тақдим этишнинг охириги муддатини ўн беш календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтиради.

6. Тендер таклифини тайерлаш ва тақдим қилиш талаблари

35. Тендерда иштирок этиш учун талабгорлар тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқ тайёрланган тендер таклифини қоғоз шаклида **1 (битта) асли нусхада ҳамда электрон кўринишда “PDF” форматда (USB флешка ёки компакт дискда)** тендер ташкилотчисига тақдим этади.

36. Талабгор тендер ҳужжатларининг **1-иловасида** келтирилган ДХШ лойиҳасини концепциясига асосланган ҳолда молиявий-иқтисодий модел, яъни «Бизнес-режани» ишлаб чиқиши керак ва тендер таклифини таркибида тақдим қилиш лозим. Бизнес-режа камида қуйидаги маълумотларни қамраб олиши шарт:

1) Техникавий таклиф (қисм):

- Ташаббус кўрсатилган инвестиция дастури доирасида:
 - инвестиция дастурнинг амалга ошириш вақти;
 - иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилиши;
 - илғор бошқарув тажрибаси жорий этиш назарда тутилиши;
 - инновацион ёндашувни ўз ичига олганлиги ва тарафлар учун мақбул бўлиши;
 - автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этилиши;
 - бошқа инвестиция дастурига оид бўлган муҳим технологик масалалар ечимлари.

2) Молиявий таклиф (қисм):

- ДХШ лойиҳасини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган капитал кўйилмалар ва жалб этиладиган қарз ва хусусий маблағлар ҳажми;
- ДХШ лойиҳасини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган эксплуатация ва умумий харажатлар, ва уларни тақсимоти;
- ДХШ лойиҳасини даромад манбалари;
- кўрсатиладиган хизматлар учун кўзда тутилган тарифлар ва бошқа нарх-наволар;
- бошқа инвестиция дастурига оид бўлган муҳим молиявий масалалар ечимлари.

Бизнес-режага асосланган ҳолда, талабгорлар тендер ҳужжатларининг **2-иловасида** кўрсатилган шаклларни тўлдиради ва тендер таклифини таркибида тақдим қилади.

37. Бизнес-режа бўйича барча харажатлар, даромадлар, нарх-наво ва тарифлар, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ва ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) ҳисобланади.

38. Тендер таклиф ҳужжатлари (тендер аризаси, бизнес-режа, тўлдирилган тендер шакллар ва бошқа ҳужжатлар) боғланган ҳолда, ҳар бир варағи рақамланган ва қўл кўйилган ҳолда, охириги варақ эса талабгорнинг раҳбари ёки ваколатли шахс имзоси ва корхона муҳр билан тасдиқланган ҳолда, мухирланган конвертда тақдим қилинади.

39. Конвертда куйидаги маълумотлар бўлиши керак:

1) Талабгорни тўлиқ юридик номи ва почта манзили (агар талабгор консорциум шаклида иштироқ этаётган бўлса, консорциумнинг тўлиқ номи ва етакчи шерикнинг почта манзили);

2) Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили, яъни: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси. Манзил: 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-уй.**

3) ДХШ лойиҳасини (тендерни) номи: **«Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш».**

40. Тендер таклиф ҳужжатлари талабгорларнинг раҳбари, таъсисчиси ёки ваколатли шахснинг томонидан тендер ташкилотчисининг қўлига ёки буюртма почта орқали тақдим этилади.

41. Тендер ташкилотчиси тендер ҳужжатларида белгиланган охириги муддатгача тендер таклифларни рўйхатга киритилган ҳолда қабул қилади.

42. Тендер ташкилотчиси:

1) Талабгорлар номидан тендер таклифини тақдим этган ишончли вакилнинг ваколатини ҳужжат билан тасдиқланганлиги текширади;

2) тендер таклифларни белгаланган тартибда расмийлаштирилган конвертларни қабул қилади ва уларни рўйхатга олади;

3) тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган тендер таклифларга ўзгартириш ва қўшимчалар қабул қилади ва рўйхатга олади;

4) тендер таклифларини тақдим этиш муддатидан олдин бекор қилинса, тендер таклифларини қайтарилишини таъминлайди.

43. Талабгорнинг тендер таклифи куйидаги ҳолларда рад этилади:

1) хусусий шерик илгари ушбу тендерда қатнашиш учун таклифни тақдим этган бўлса;

2) тендер таклифнинг ташқари конверти ушбу тендер ҳужжатида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ва муҳрламаган бўлса;

3) тендер таклифи тақдим этиш охириги муддатидан кечиктирилган ҳолда тақдим қилинган бўлса.

44. Белгиланган охирги муддат тугагандан сўнг тақдим этилган тендер таклифлар руйхатдан ўтказилмайди, очилмайди ва конвертда кўрсатилган талабгорнинг почта манзилига ёки талабгорнинг тегишли ваколатли шахсига қайтарилади.

7. Тендер таклифини таъминот шартлари

45. Тендер таклифини таъминот қуйидаги ҳолатларни олдиндан олиш учун талабгор томонидан кафолат сифатида тақдим этилади:

1) тендер таклифи очилгандан сўнг ўз таклифини бекор қилиш, ўзгартириш ва (ёки) қўшимча қилиш;

2) агар талабгор тендер ғолиби деб аниқланган бўлса, битим тузишдан ва тендерни бошқа муҳим шартларини бажаришдан бош тортиш.

46. Тендерда иштирок этиш учун тендер таклифини таъминоти **30.000.000,00 (ўттиз миллион) сўм** миқдорни ташкил қилади.

47. Талабгор тендер таклифини таъминоти учун қуйидаги таъминот турлари биридан тендер таклифларини тақдим этиш охирги муддатигача фойдаланади:

1) тендер ташкилотчисининг ҳисоб рақамига ўтказиладиган кафолат тўлови. Бунда тендер иштирокчиси **30.000.000 (ўттиз миллион сўм)** миқдоридаги маблағни, тендер ташкилотчисининг (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги х/р: 2340 2000 3001 0000 1010, Тошкент ш. Марказий банки ИИКМ, МФО 00014, ШХВ: 4001 1086 0262 9470 5610 0144 001, СТИР 200 936 593) ҳисоб рақамига тендер таклифлари очилиши қадар ўтказилиши шарт;

2) тендер ташкилотчининг номига берилган банк кафолати (намунаси **2-иловада**);

3) тендер ташкилотчининг номига берилган суғурта полиси.

48. Талабгор учун учинчи шахснинг тендер таклифи тугагунига қадар амалга оширилган кафолат тўлови учун тўлиқ ёки қисман даъво қилиш ҳуқуқини берувчи ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

49. Тендер ташкилотчисига талабгор томонидан амалга оширилган кафолат тўловидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

1) талабгор тендер таклифини тақдим этиш охирги муддатидан кейин тендер таклифини бекор қилса, қайтарса, ўзгартирса ва (ёки) қўшимча қилса;

2) тендер ғолиби деб топилган хусусий шерик, ДХШни битимини тузишдан бош тортса.

Агар ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлардан бири содир бўлса, тендер таклифи учун кафолат миқдори тендер ташкилотчининг даромад сифатида қирим қилинади.

50. Тендер ташкилотчиси талабгорга қуйидаги ҳолатлардан бири юзага келган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида унинг томонидан тақдим этилган тендер таклифининг кафолатини қайтаради:

1) тендер таклифларни тақдим этиш охирги муддати тугашидан олдин талабгор хоҳиши билан ўз таклифини қайтариб олиш;

2) тендер натижалари бўйича тендер комиссиясининг протоқолини имзолаш (бу ҳол тендер ғолиби деб аниқланган талабгорга нисбатан қўлланилмайди);

3) битим имзоланиб кучга қириши;

4) талабгорни тендер таклифининг амал қилиш муддати тугаши.

8. Тендер таклифининг амал қилиш муддати

51. Тендер таклифини амал қилиш муддати, шу жумладан тендер таклифининг кафолати, тендер таклифлари очилган кундан бошлаб тўқсон календарь кунни ташкил этади.

52. Тендер таклифини амал қилиш муддати тендер таклифини кафолатининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

53. Агар тендер таклифининг амал қилиш муддати тугашидан олдин, давлат шериги ва тендер ғолиби, ДХШ лойиҳаси ва битим шартлари бўйича музокараларни яқунламаган бўлсалар, тендер комиссия қарорига асосан тендер ғолиби ва захирадаги ғолиб ўз таклифларни ва кафолатларни амал қилиш муддатини ўзайтиради, шу жумладан таклифни тامينлайди.

54. Тендер таклифини амал қилиш муддатини ўзайтириш учун ғолиблар тендер ташкилотчисига ёзма равишда хабарнома юборади, унда:

1) у томонидан тақдим этилган тендер таклифининг амал қилиш муддатини узайтиришга аниқ розилик билдириш;

2) тендер таклифининг узайтирилган амал қилиш муддати;

3) хабарномани имзоланган санаси;

4) ғолибларнинг раҳбари ёки ваколатли шахсларини имзолари ва муҳрлари.

9. Тендер таклифларни тақдиб этиш охириги муддатигача ўзгартириш ва қайтариб олиш шартлари

55. Талабгор, ушбу тендер ҳужжатида кўрсатилган таклифларни тақдим этиш охириги муддатидан олдин:

1) тақдим этилган тендер таклифини ўзгартириш ва (ёки) қўшимча қилиши мумкин;

2) таклифнинг кафолатини қайтариш ҳуқуқини йўқотмасдан, таклифини бекор қилиш ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер таклифларни тақдим этиш охириги муддати тугагандан сўнг таклифларга ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилмайди.

56. Тендер таклифларнинг ўзгартириш ва қўшимчалари олдинги тендер таклифи қай тарзда расмийлаштирилган бўлса, шундай тайёрланади, муҳрланади ва тақдим этилади. Ташқари конвертда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) Талабгорни тўлиқ юридик номи ва почта манзили (агар талабгор консорциум шаклида иштироқ этаётган бўлса, консорциумнинг тўлиқ номи ва етакчи шерикнинг почта манзили);

2) Тендер ташкилотчисининг тўлиқ номи ва почта манзили, яъни: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман, Сайрам кучаси, 15-уй.**

3) Тендер номи: **«Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш»;**

4) «Тендер таклифининг ўзгартиришлари» ёки «Тендер таклифининг қўшимчалари» белгилар.

57. Агар талабгор тендер таклифини қайтариб олишга қарор қилса, тендер таклифини олиш тўғрисидаги имзоланган ва муҳрланган хабарномани тендер ташкилотчисига юборади.

58. Агар талабгор тендер таклифларини тақдим этиш охириги муддатидан олдин тендер таклифини қайтариб олса, тендер ташкилотчиси тендер таклифини кафолатини юқорида

айтилган хабарнома олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида талабгорга қайтаради.

10. Тендерда иштирок этиш билан боғлиқ чекловлар

59. Потенциал хусусий шерикни тендерда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас, агар:

1) ушбу хусусий шерикнинг раҳбарларининг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи ёки қариндошлари ва (ёки) ушбу хусусий шерикнинг ваколатли шахси хусусий шерикни аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга ёки тендер комиссияси ва ташкилотчиси аъзоси бўлса;

2) баланс қиймати тегишли асосий воситалар қийматининг ўн фоизидан ортиқ бўлган потенциал хусусий шерикнинг мулки мусодара қилинган бўлса;

3) потенциал хусусий шерик ижро ҳужжатлари бўйича катта мажбуриятларга эга ва мажбурий ижро ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан киритилган бўлса;

4) потенциал хусусий шерикнинг молиявий-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатилган бўлса.

60. Потенциал хусусий шерик ва потенциал хусусий шерикнинг боғлиқ шахслари хусусий шерикни аниқлаш учун бир хил тендерда иштирок этишга рухсат берилмайди.

61. Потенциал хусусий шериклардан ҳеч бири битта тендерда биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас.

62. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган, мулки ва банкдаги ҳисоб-рақамлари хатловда бўлган иштирокчиларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Қайта ташкил этилаётган, тугатилаётган ёки банкрот босқичида бўлган талабгорлар тендер комиссия томонидан тегишли ташкилотлар ва мутасадди органларга сўровномалар юбориш йўли билан аниқланади.

11. Тендер таклифларини очиш, кўриб чиқиш ва баҳолаш

63. Тендер комиссияси талабгорларнинг тендер таклифларни очишиш маросими белгиланган вақтда қуйидаги жойда ўтказилади: **Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, 100032, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 15-уй, қўмита мажлислар залида, 2 қават**. Тендер таклифлари солинган конвертлар тендер комиссиянинг оддий кўпчилиги ва йиғилишда катнашаётган талабгор вакиллари иштирокида очилади.

64. Комиссия котиби ёки комиссия аъзолари биридан раис томонидан тайинланган шахс тендер таклифлар солинган конвертларни очади ва ичида мавжуд бўлган тендер таклифига оид ҳужжатлар сони ва таркиби тўғрисида хабар қилади.

65. Комиссия барча тендер таклифларни кўриб чиқади. Агар фақат битта тендер таклифи тақдим этилган бўлса, ушбу таклиф тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ комиссия томонидан кўриб чиқилади.

66. Тендер таклифларни очиш тўғрисидаги баён ва руйхат, йиғилишда иштирок этадиган тендер комиссия раиси ва барча аъзолари, шунингдек комиссия котиби томонидан имзоланади.

67. Тендер таклифларини комиссия йиғилишини ўтказмасдан кўриб чиқишга йўл қўйилмайди.

68. Қабул қилинган тендер таклифлар тендер комиссия қарори билан ташкил қилинган ишчи орган томонидан белгиланган муддат ичида кўриб чиқилади ва тендер ҳужжатларнинг **3-иловасида** берилган мезонлар бўйича баҳоланади. Ишчи орган тендер

ғолибини ва захирадаги ғолибни аниқлайди. Натижада ишчи орган баҳолаш хисоботни тайёрлайди ва тендер комиссиясига олдиндан танишиш мақсадида тақдим этади ва кейинги мажлисида ушбу баҳолаш натижалари муҳокама қилинади ва тасдиқланади ёки қайта ишлаб чиқилишга ишчи органга қайтарилади.

69. Тендер иштирокчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси ёки уни ишчи органи талабгорларни тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилигини тасдиқлаш учун чақириш ёки аниқлаш ҳуқуқига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тендер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ваколатли шахслари иштирок этиши мумкин.

70. Тендер комиссиясининг ҳар бир мажлиси, унда муҳокама қилинган муҳим масалалар ва асосий хулосалар, ҳамда қабул қилинган қарорлар баён орқали расмийлаштирилади. Ушбу баёнлар йиғилишда иштирок этган тендер комиссия барча аъзолари томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади.

71. Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер ҳужжатларнинг талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

72. Тендер комиссияси асосий тендер ва захирадаги ғолиби тўғрисидаги маълумотни давлат шериги ҳамда ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилади.

73. Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди.

12. Тендер ғолиби билан ДХШ тўғрисида битим тузиш

74. Давлат шериги томонидан ишлаб чиқилган ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси тендер ҳужжатларнинг **4-иловасида** берилган ва унинг ажралмас қисми хисобланади.

75. Тендер ғолиби расман эълон қилинган кундан бошлаб ўн календарь куни муддатида томонлар ўртасида ДХШ тўғрисидаги битим муҳокама қилиниб имзоланиши шарт.

76. Агар тендер ғолиби ўн кунлик муддат тугаганидан кейин ДХШ тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер ғолиби тақдим этган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида ДХШ тўғрисида битим тузишни таклиф этади.

77. Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига ДХШ тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь куни ичида ундан ижобий жавоб олинмаган ва ДХШ тўғрисида битим имзоламанган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер эълон қилади.

78. Тендер комиссиясининг тендер ғолиблари бўйича қабул қилинган қарорга нисбатан эътироз билдирган иштирокчи шикоят билан тендер ташкилотчисига сабабларни билиш мақсадида ёзма равишда муурожаат қилиш мумкин.

13. Якунловчи қоидалар

79. Агар мазкур тендер ҳужжатларида хусусий шерикни танлашга оид бўлган айрим шартлар ва масалалар акс этирилмаган бўлса, Қонун ва Низомдаги тартиб ва шартлар қўлланилади.

Илова 1 – ДХШ лойиҳасини концепцияси

Илова 2 – Тендер таклифнинг шакиллари

2А - Тендер аризаси

*Тендер иштирокчининг (ёки консорциумнинг етакчи корхона)
фирма бланкасида ушбу аризани тақдим қилиш керак*

Кимга: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси

Лойиҳа (тендер) номи: «Хоразм вилояти Шовот туманида қаттиқ маъшій чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш»

Сана: 2021 йил

«Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида қаттиқ маъшій чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини давлат-хусусий шериклик битими асосида бошқариш» лойиҳасининг хусусий шерикни танлаш бўйича танлов ҳужжатларини кўриб чиқиб, _____ (тендер иштирокчининг тулик номи) ушбу тендер аризасига мувофиқ намунавий ДХШ тўғрисидаги битимига кўра хусусий шерик мажбуриятларини бажариш учун таклиф этади.

Ушбу тендер аризаси, тендер таклиф конвертларни очилган кундан бошлаб камида 90 (тўқсон) календар кун давомида амал қилади.

Агар бизнинг тендер аризамиз ғолиб деб эътироф этилса, биз ДХШ битимини тендер ҳужжатлари шартларига мувофиқ шартларсиз ва чекловларсиз амалга ошириш ва имзоланиш ўз зиммамизга оламиз.

Агар биз танлов ғолиби сифатида аниқлансак, тендер ҳужжатларида белгиланган тендер аризасини тақдим этиш муддати тугаганидан кейин биз ўзимизнинг тендер аризамизни қайтариб олмаслигимиз ёки ўзгартирмаслигимиз ва (ёки) тўлдирмаслигимиз кафолати сифатида, ДХШ битимини тузамиз, биз тендер таклифига 30.000.000,00 (ўттиз миллион) сўм миқдорида (тендер ҳужжатларни 48-бандида тақдим этилган кафолат тури кўрсатилган ҳолда) кафолат берамиз.

Ушбу тендер таклифида келтирилган маълумотлар аниқ ва тўғри эканлигини тасдиқлаймиз.

Ушбу тендер таклифида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган: _____ (тендер таклифига илова қилинган ҳужжатларнинг тулик руйхати).

Тендер иштирокчини раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси, тулик исми ва лавозими

Корхона муҳри

**2Б - Таклиф қилинган бизнес-режани сифатини аниқлаш юзасидан
МА Ё Л У М О Т Л А Р**

Ушбу иловада келтирилган маълумотлар тендер золиби билан тузиладиган ДХШ тўғрисидаги битимда аке эттирилади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади

1-жадвал

Киритиладиган маҳсус чиқинди ташувчи техника русуми	Юк ташиш қуввати (тонна)	Сони	Жами юк ташиш қуввати (тонна)*
Жами			

* - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.2020 йилдаги ПҚ-4845-сонли қарорига асосан аҳолини каттиқ машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш буйича хизматлар билан қамраб олишни 100 фоизга етказишлигини ҳисобга олиш лозим.

2-жадвал

Киритилиши режалаштириладиган ускуналар	Ўрнатиладиган ҳудуд	Сони	Йиллик қуввати (тонна)
Чиқиндиларни қайта юклаш станцияси (эстакада)*			
Чиқиндиларни саралаш ускуналари			

* - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.04.2019 йилдаги ПҚ-4291-сонли қарорига асосан каттиқ машиий чиқиндиларни қайта юклаш станциялари ташкил этиладиган ҳудудлар назарда тутилиши лозим.

3-жадвал

Киритилиши режалаштириладиган инвестиция ҳисобидан олиб келинадиган маҳсус техника, ускуналар ва бошқа тадбирлар номи	Олиб келинадиган маҳсус техника ва ускуналар сони	Олиб келинадиган маҳсус техника ва ускуналар қиймати	Муддати (йили, ойи кўрсатилиши шарт)
Жами			

*Тендер иштирокчини раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси, тўлиқ исми ва лавозими
Корхона муҳри*

2В - Тендер таклифларини таъминлаш шакли

Банк кафолати намунаси

Давлат-хусусий шериклик лойиҳа (тендер) номи: _____

Тендер ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси

Сана: _____

Банк кафолати №: _____

_____ (тендер иштирокчининг тулик номи¹, кейинги ўринларда "Аризачи") томонидан юкорида курсатилган тендерга таклифига биноан Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқига эга булиш учун ўз таклифини (кейинги ўринларда "Тендер таклифи") тендер ташкилотчисига тақдим этгани ёки тақдим этишини ҳақида бизга хабар берилган. Бундан ташқари, биз тендер ташкилотчисини шартларига биноан, тендер таклифлар кафолат билан таъминланиш кераклигини тушунамиз.

Аризачи илтимосига биноан, шу билан биз Кафил сифатида тендер ташкилотчисидан аризачи куйидаги шартларни бузганлигини тугрисида маълумотни ва асосланган талабни қабул қилганимиздан сўнг тендер ташкилотчисига **30.000.000,00 (ўттиз миллион) сўм** миқдорни қайтариб бўлмайдиган тўлаш мажбуриятини оламиз:

- а) Аризачи тендер таклифида кўрсатилган амал қилиш муддати давомида ёки ундан кейин бўлган Аризачи рози булган ҳар қандай узайтириш муддатида ўз тендер таклифини қайтариб олса; ёки
- б) Тендер таклифнинг амал қилиш муддати давомида Аризачининг тендер таклифи тендер ташкилотчиси томонидан қабул қилинганлиги тўғрисида хабар берилгандан сўнг, Аризачи:
 - i) битим шартномасини имзолашдан бош тортса, ёки
 - ii) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимида талаб этилган 1%-лик банк кафолатини белгиланган муддатда тақдим этмаса.

Ушбу кафолатнинг амал қилиш муддати тугайди: (а) агар биз Аризачи тендер голиби деб аниқланган кейин Аризачи томонидан кул куйилган Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни нусхасини олганимиздан сўнг; (б) агар Аризачи тендер ташкилотчи хабарномасига кура тендер голиби деб топилмаган булса; ёки (в) Аризачининг тендер таклифи муддати тугаган булса.

Бинобарин, ушбу кафолат бўйича тўлов юзасидан тендер ташкилотчисининг ҳар қандай талаб бизнинг идорамизни расмий манзилида кафолат амал қилиш муддати давомида олинishi керак.

_____ *Банкни ваколатли шахсининг имзоси ва банкни муҳри*

¹ Агар тендер иштирокчиси консорциум шаклида тендер таклифини тақдим этган бўлса, унда консорциумни тулик номи кўрсатилиши керак, яъни банк кафолати тузилган консорциумни барча аъзолари номидан берилиши лозим.

Илова 3 – Танлов мезонлари ва баҳолаш шартлари

3А - Тендер таклифини баҳолаш мезонлари

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
А) Бизнес-режанинг техникавий таклифини сифати:	
Таклиф қилинган маҳсус техникалар (2-илова Б-банди 1-жадвал)	15
<i>Бунда: маҳсус техникаларнинг чиқинди ташиш қуввати (тонна) бўйича кўплиги максимал балл эгасига айланади, қолган иштирокчилар томонидан таклиф этилган маҳсус техникаларнинг чиқинди ташиш қуввати максимал баллнинг фоизига нисбатан тақсимлаш орқали белгиланади.</i>	
Таклиф қилинган қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш ускуналари ва қайта юклаш станциялари (эстакада) бўйича асослангилган инвестиция таклифи (2-илова Б-банди 2-жадвал)	15
<i>Бунда: ДХШ лойиҳаси ҳудудида ҳосил бўлаётган чиқиндиларни 100 фоизини саралаш имконияти эга бўлган ускуналар таклифига максимал балл берилади. Камроқ таклиф этилган саралаш ускуналар қувватига максимал баллнинг фоизига нисбатан тақсимлаш орқали белгиланади. Агарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.04.2019 йилдаги ПҚ-4291-сонли қарорига асосан, мазкур тендер ҳужжатларининг 1-иловасидаги ДХШ лойиҳа концепциясида қайта юклаш станциялари қурилиши назарда тутилган бўлса, талабгорлар томонидан қайта юклаш станцияларини таклиф этилмаган тақдирда, шу мезонни максимал баллнинг 50 фоизига эга бўлади. Таклиф қилинган барча ускуналар Бизнес-режада асослангилмаган бўлса балл берилмайди.</i>	
Таклиф қилинган Бизнес-режанинг (молиявий иқтисодий модел) тулиқлиги ва ҳисоб-китобларни асослангиллиги	15
<i>Бунда: ДХШ лойиҳаси бўйича таклиф қилинган Бизнес-режанинг инвестиция, техникавий ва молиявий кўрсаткичларни тўғри ва асосланган тарзда ҳисобланганлиги, барча таклиф қилинган ускуналар бўйича молиялаштириш манбаларини аниқланганлиги ҳамда молиявий-иқтисодий моделда ва хизмат тарифини белгилашда инобатга олинганлиги баҳоланади. Баҳолаш натижасида “Намунали” деб топилган Бизнес-режага максимал балл, “Қониқарли” деб топилган Бизнес-режага максимал баллнинг 50 фоиз миқдориди балл берилади. “Қониқарсиз” деб топилган Бизнес-режа учун балл берилмайди.</i>	
Б) Бизнес-режанинг молиявий таклифини сифати:	
Таклиф қилинган инвестицияларни амалга ошириш даври (2-илова Б-банди 3-жадвал)	20

Мезонлар, талаблар ва баҳолаш шартлари	Вазн ва максимал балл
<p><i>Бунда: Киририлаётган инвестиция иштирокчилар томонидан таклиф этилаётган муддат ҳисобга олинади ва энг қисқа муддатда киритилиши таклифини берган иштирокчи максимал балл эгасига айланади. қолган иштирокчилар томонидан таклиф этилган максимал баллнинг иштирокчилар сонига нисбатан тақсимлаш орқали белгиланади.</i></p> <p>Таклиф қилинган ҳамда иқтисодий-техник асослантилган инвестиция миқдори (2-илова Б-банди 3-жадвал)</p> <p><i>Бунда: иштирокчи томонидан бошқа иштирокчиларга нисбатан ортиқроқ киритилаётган инвестиция миқдорига нисбатан баҳоланади. Қолган иштирокчилар томонидан таклиф этилган инвестиция миқдори максимал баллнинг фозизига нисбатан тақсимлаш орқали белгиланади.</i></p> <p>Эслатма: <i>Тендер таклифида киритилаётган инвестиция миқдори аҳолини хизмат кўрсатиш билан тўлиқ қамраб олиш учун етарли бўлмаган ва инвестиция миқдори иқтисодий-техник асослантилмаган тақдирда ушбу мезон бўйича балл берилмайди.</i></p> <p>Аҳоли учун хизмат кўрсатиш тарифи (Бизнес-режа буйича)</p> <p><i>Тендер иштирокчиси томонидан маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизмат кўрсатиш бўйича бир кишига ҳисобланган энг паст тариф миқдорини белгиланган тартибда ҳисоб-китоб қилинганлиги ва иқтисодий-техник назардан асослантилганлиги</i></p> <p>Изоҳ: <i>Таклиф этилаётган бир кишига тариф миқдори амалдаги тариф миқдоридан паст бўлиши ҳамда амалдаги тарифнинг 1,3 бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.</i></p> <p>Эслатма: <i>Тендер таклифида хизмат кўрсатиш тарифи иқтисодий-техник назардан асослантилмаган тақдирда хизмат кўрсатиш тарифи учун балл берилмайди.</i></p>	<p>20</p> <p>15</p>
ЖАМИ	100

ДИҚҚАТ:

Бир босқичли тендерда талабгорнинг дастлабки малака баҳолашда тўплаган баллар тендер таклифини баҳолашда тўплаган балларига қўшилади.

Икки босқичли тендерда дастлабки малака босқичидан муваффақиятли ўтган талабгорлар учун, умумий балл куйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$\text{Умумий балл} = \text{Тўплаган дастлабки малакани баҳолаш баллари} \times 50\% + \text{Тўплаган тендер таклифини баҳолаш баллари} \times 50\%$$

Илова 4 – ДХШ тўғрисидаги битим лойиҳаси

Маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматларни кўрсатишга давлат-хусусий шериклик тўғрисида БИТИМ

2021 йил _____ -сон _____ шаҳри

Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи – _____ вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом” ва Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан иш юритувчи юридик шахс.

Давлат шериги – экология органи – _____ вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4845-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги низом асосида фаолият кўрсатувчи юридик шахс.

Хусусий шерик – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 16 декабрдаги 05/1-1821-сон билан тасдиқланган Маиший чикиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасида Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи бўйича тендер ғолибини аниқлаш учун тендер комиссияси қарори билан битим тузиш ҳуқуқини қўлга киритган ва ўз устави доирасида иш юритувчи юридик шахс.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги 259-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандига мувофиқ, агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир яққа тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини (кейинги ўринларда ДХШ лойиҳаси деб юритилади) амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, хусусий ташаббускор билан тендер ўтказмаган ҳолда давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим (кейинги ўринларда Битим деб юритилади) тузилади.

Мазкур битимда хусусий шерик сифатида

_____ худудида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган
“_____” маъсулияти чекланган жамияти кўзда тутилган (агар хусусий шерик консорциум шаклда бўлса, унда консорциумни барча аъзолари кўрсатилиши лозим).

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Битим тарафлари – **Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи, Давлат шериги – экология органи** ҳамда **Хусусий шерик** ҳисобланиб, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади.

1.2. Хусусий шерик мазкур Битим бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бир ёки бир неча ташкилотга топшириши мумкин. Бироқ Битим бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавобгарлик Хусусий шерикнинг ўзида қолади. Бунда Битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа ташкилотга ўтказиш мазкур битимга қўшимча келишувни расмийлаштириш йўли билан мустаҳкамланиши лозим.

1.3. Мазкур Битим бўйича барча ҳуқуқларни ёки ҳуқуқларнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш, ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказётган тарафни мазкур Битим бўйича мажбуриятларидан озод қилмайди.

1.4. Мазкур Битим, жумладан унинг иловалари битим предметига нисбатан Тарафлар ўртасидаги барча аввалги оғзаки ёки ёзма келишувлар, битимлар ёки қарорларни бекор қилувчи ва улардан устун турувчи тўлиқ келишувни англатади. Мазкур Битимнинг иловалари ва қўшимча келишувлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади ва у билан бир хил юридик кучга эгадир.

1.5. Мазкур Битимнинг барча қоидалари ва шартлари мажбурий характерга эга ҳамда Тарафларга ёки Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра уларнинг тегишли ҳуқуқ ва (ёки) мажбуриятлари берилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

1.6. Мазкур Битимда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ДХШ – давлат-хусусий шериклик.

Ваколатли давлат органи – Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги.

ҚМЧ – қаттиқ маиший чиқинди;

GPS (Geographic Position System) навигатор – махсус ва ихтисослаштирилган транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар (механизмлар) харакатини онлайн назорат қилиш имконини берувчи масофадан кузатиш қурилмаси;

Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар.

2. БИТИМ ПРЕДМЕТИ, ОБЪЕКТИ, КУЧГА КИРИШ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

2.1. Битим предмети

“Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисида”ги ДХШ лойиҳасини амалга оширишни қуйидагилар орқали ташкиллаштириш:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 1-иловага мувофиқ бириктириладиган ҳудуд;

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш учун Хусусий шерикка ушбу Битимга 2а-иловага мувофиқ, мазкур Битимнинг амал қилиш даврида, фойдаланишга топшириладиган давлат мулки.

2.3. Битимнинг амал қилиш муддати

Ушбу Битим Тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирилади ва 20 _____ йил _____ гача, 10 (ўн) йил давомида амал қилади.

3. КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1 Хусусий шерикка бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатиладиган хизматлар ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ, марказлашган тартибда тўлаб берилади.

3.2. Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлаш жисмоний шахслар (аҳоли)дан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетишга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловларнинг келиб тушишига кўра амалга оширилади.

3.3. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тўловлар истеъмолчилар ва Хусусий шерик ўртасида тузиладиган шартномага асосан, Хусусий шерикка бевосита, 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

Хусусий шерик томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя этилишини талаб қилиш;

хизматлар кўрсатиладиганда Хусусий шерикнинг айби билан юзага келган камчиликларнинг бепул бартараф этилишини талаб қилиш;

Хусусий шерик томонидан муайян давр ёки бириктирилган ҳудуддаги маълум участкаларда ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилмаганда хизматлар қийматини тўламаслик ёки қисман тўлаш;

Хусусий шерикдан ҳар ойда ушбу Битимга 3-иловага мувофиқ шаклда бажарилган ишлар/хизматлар далолатномаларини қабул қилиш;

Битим шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши натижаларини баҳолашда иштирок этиш;

мазкур бандда назарда тутилган ўз ҳуқуқларини Давлат шериги – экология органи билан бирга амалга ошириш;

Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Давлат шериги – экология органи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда Хусусий шерикка кўмаклашиш;

ДХШ лойиҳаси бажарилиши ҳамда мазкур Битим шартларига риоя этилиши устидан Хусусий шерикни хабардор қилган ҳолда, ҳар олти ойда бир марта (зарур ҳолларда навбатдан ташқари) мониторингни амалга ошириш (шу жумладан Ваколатли давлат органи билан биргаликда);

Хусусий шерикдан Битим шартлари бажарилиши ва ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот сўраш ва олиш;

Битим шартларининг бажарилишини назорат қилиш ва ДХШ лойиҳасининг амалга оширилиши натижаларини баҳолаш;

қонун ҳужжатларига ва Битим шартларига риоя этилиши юзасидан мониторинг (шу жумладан, чиқинди ташиш транспорт воситалари ва бошқа техникаларнинг ҳаракатини реал вақт (онлайн) режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS)дан фойдаланган ҳолда) юритиш доирасида аниқланган камчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг бартараф этилишини Хусусий шерикдан талаб қилиш;

ДХШ лойиҳаси бўйича Хусусий шерик айби билан юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

мазкур Битимга мувофиқ Хусусий шерикнинг давлат шеригига тўловларини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашган тартибда тўланишида акцептсиз ушлаб қолиш йўли орқали ундирилишини таъминлаш;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашган тартибда тўланишида, абонентларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил 1 _____ га қадар, _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКдан бўлган қарздорликларининг ундирилган суммасини акцептсиз ушлаб қолинишини ва _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлаш.

Бунда, қарздор абонент томонидан 2021 йил _____ дан бошлаб келгуси давр учун амалга ошириладиган тўловлар қарздорликни сўндириш учун ҳисоб-китоб қилинмайди ҳамда қарздорлик бўйича ундириладиган сумманинг 20 фоизи Хусусий шерикнинг абонентлардан қарздорликларни ундириш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш учун Хусусий шерикда қолдирилади;

мазкур бандда назарда тутилган ўз ҳуқуқларини Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи билан бирга амалга ошириш;

Давлат шериги – экология органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Хусусий шерик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат шеригидан ДХШ лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган ва эркин фойдаланиладиган ахборотни олиш;

Битим шартларини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритиш;

Давлат шеригининг айби билан ДХШ лойиҳаси бўйича юзага келган зарарларнинг ўрни қопланишини талаб қилиш;

қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда белгиланган тартибда, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган барча усулларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш;

ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.6-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 8.3-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш учун тўланган суммани Давлат шеригидан қайтариб олиш.

Хусусий шерик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.4. Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи қуйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Битим талабларига риоя этиш;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақини Хусусий шерикка тўлашни марказлашган тартибда амалга ошириш;

Хусусий шерикка методологик ёрдам бериш;

Хусусий шерикнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун тарифлар миқдorigа ўзгартириш киритиш тўғрисидаги (асосли ҳисоб-китобларни тақдим этган ҳолда) мурожаатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш;

Хусусий шерикнинг ўзига бириктирилган ҳудудда санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклифларини кўриб чиқиш;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида хусусий шерик томонидан (ўз маблағлари ҳисобига) қўшимча харид қилинган маҳсус автотранспорт воситалари, техникалар ва бошқа мол-мулкларни хусусий шерикка мулк ҳуқуқи асосида расмийлаштирилишини таъминлаш;

бириктирилган ҳудудда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича фаолиятни амалга оширишда Хусусий шерикка тўсқинлик қилмаслик;

Хусусий шерикга тегишли ёки унинг фойдаланишида бўлган маҳсус автотранспорт воситаларини уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган (қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқалар) ишларга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

Хусусий шерик ёки Хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга оширилаётган фаолиятга аралашмаслик;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка марказлашган тартибда тўланишида, абонентларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил _____га қадар, _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКдан бўлган қарздорликларининг ундирилган суммасини акцептсиз ушлаб қоллинишини ва _____ вилояти “Тоза ҳудуд” ДУКнинг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминлаш.

Бунда, қарздор абонент томонидан 2021 йил _____дан бошлаб келгуси давр учун амалга ошириладиган тўловлар қарздорликни сўндириш учун ҳисоб-китоб

қилинмайди ҳамда қарздорлик бўйича ундириладиган сумманинг _____20
фоизи Хусусий шерикнинг абонентлардан қарздорликларни ундириш билан боғлиқ
ҳаражатларини қоплаб бериш учун Хусусий шерикда қолдирилади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда
назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиш.

4.5. Давлат шериги – экология органи қуйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Битим
талабларига риоя этиш;

ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида мазкур Битимнинг 2а-
иловасида кўрсатилган давлат мулкани Хусусий шерикка унда белгиланган муддатга, қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида
фойдаланишга (эксплуатация қилишга) берилишини таъминлаш;

ушбу Битимга мувофиқ Хусусий шерикка ҳар ойда бўлиб тўлаб бориш тартибда
сотиб олиш шарти билан фойдаланишга берилган давлат мулки – транспорт
воситаларини (шу жумладан машина ва механизмларни) мазкур Битимнинг 2б-иловасида
кўрсатилган муддатлар ичида тўловлар тўлиқ ундирилганидан сўнг, Хусусий шерикка
мулк ҳуқуқи асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиб бериш;

Хусусий шерикнинг ушбу Битимда назарда тутилган ўз инвестициялари
ва даромадларини эркин бошқариш ҳамда тасарруф этиш ёки активларини
ва амалга ошираётган фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилишга доир ҳуқуқларини
чекламаслик;

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда
давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида хусусий шерик томонидан (ўз маблағлари
ҳисобига) қўшимча харид қилинган маҳсус автотранспорт воситалари, техникалар ва
бошқа мол-мулкларни хусусий шерикка мулк ҳуқуқи асосида расмийлаштирилишини
таъминлаш;

Хусусий шерик ёки Хусусий шерик жалб этган учинчи шахслар томонидан амалга
оширилаётган фаолиятга аралашмаслик;

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Битимда
назарда тутилган жавобгарликни зиммасига олиш.

Давлат шериги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбурияларга ҳам эга
бўлиши мумкин.

4.6. Хусусий шерик қуйидагиларга мажбур:

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Битим
талабларига риоя этиш;

2021 йил _____дан бошлаб ушбу Битимга мувофиқ унга бириктирилган ҳудудда
қонун ҳужжатларида ва мазкур Битимда белгиланган тартибда маиший чиқиндиларни
тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга киришиш;

қаттиқ маиший чиқинди полигонларидан фойдаланишни Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 октябрдаги
12-сон қарори (рўйхат рақами 3197, 2019 йил 19 ноябрь) билан тасдиқланган Қаттиқ маиший
чиқинди полигонларини лойиҳалаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома
талабларига мувофиқ олиб бориш;

Ўзига бириктирилган ҳудудда аҳолини ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини **2021 йил якунига қадар 100 фоизга** етказиш;

Ўзига бириктирилган ҳудудда ҳосил бўлган ҚМЧларни саралашни ташкил этиш ва утилизация қилиш даражасини 2021 йил якунига қадар 38 % га етказиш;

давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун унга фойдаланишга топширилган;

давлат мулкнинг лозим даражада (соз ҳолда) сақланишини ва белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

давлат мулкни сақлаш билан боғлиқ (шу жумладан жорий таъмирлаш) ҳамда коммунал харажатларни тўлаб бориш*;

давлат мулкига зарар етказилганда, шу кундан бошлаб **икки кундан** кечикмай, давлат мулкига етказилган зарар, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш учун кўриладиган чоралар тўғрисида Давлат шериги – экология органига хабар бериш;

30 календарь куни ичида давлат мулкига етказилган зарар ўрнини тиклаш (таъмирлаш, соз ҳолатга келтириш), агарда мулкга етказилган зарар унинг тикланмас даражасида бўлса, **уч ой** муддат ичида давлат мулки ўрнини ўз ҳисобидан янгиси билан тиклаш;

ДХШ лойиҳасига мувофиқ _____ млн.сўм миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан:

Т/р	Тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Инвестиция миқдори (минг АҚШ долл.)	Бажариш муддатлари
1. Санитария жихатидан тозалаш инфратузилмасини яхшилаш бўйича					
1.1.	Қўшимча чиқинди ташиш транспорт воситаларини жалб этиш.	Дона	—	—	—
1.2.	Маҳсус техника (мултилифт)	Дона	—	—	—
1.3.	Маҳсус техника (самосвал)	Дона	—	—	—
1.4.	Янги чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш.	Дона	—	—	—
1.5.	Чиқинди контейнерлари (12 м3, 1 м3)	Дона	—	—	—
1.6.	Чиқиндиларни саралаш линияси	Комп	—	—	—
1.7.	Махсулотларини қайта ишлаш ускунаси	Дона	—	—	—
2. Ижтимоий соҳани яхшилаш бўйича					
2.1.	Янги иш ўринларини яратиш ва сақлаш.	нафар	—	----	—

Ўзига бириктирилган ҳудудда ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига қатъий мувофиқ, уларнинг мунтазам олиб чиқиб кетилишини таъминлаш;

аҳолидан ундириладиган, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасининг туманларда очилган ягона транзит банк ҳисобварақларига тўлаб борилишини таъминлаш;

Ўзига бириктирилган ҳудуддаги абонентларнинг қаттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил _____ га қадар бўлган қарздорликларини аниқлаш учун абонентларнинг мавжуд қарздорликларини хатловдан ўтказишда Давлат шериги – экология органига кўмаклашиш;

унга фойдаланишга берилган давлат мулки – транспорт воситаларини соз ҳолатда сақлаш, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаш, белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ва спидометр кўрсаткичларини йилда бир маротаба давлат қиёсловидан, шунингдек, транспорт воситаларини белгиланган муддатларда техник кўриқдан ўтказиш;

давлат мулкидан вақтинча фойдаланиш (эксплуатация қилиш) муддати ёки мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан, шунингдек, Битим бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкни соз ҳолатда Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда сақловчига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириш*;

ушбу Битим Хусусий шерик ташаббуси билан ёки ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилинганда, Битим бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида давлат мулкни соз ҳолатда Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда сақловчига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириш (транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиш суммалари тўлиқ ундирилган (тўланган) ҳолатлар бундан мустасно);

ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек, бекор қилинганда, унга бириктирилган ҳудудда, ўз маблағлари ҳисобига қурилган кўчмас мулк объектларини (чкинди тўплаш шохобчалари ва х.к) Давлат шеригига – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда олувчига) эгалик қилиш (тасарруф этиш) ҳуқуқи асосида беғараз топшириш (Битимнинг амал қилиш муддати Тарафларнинг келишуви бўйича узайтирилган ҳоллар бундан мустасно);

унга фойдаланишга берилган давлат мулкни ўзга шахсларга фойдаланишга (ижара асосида ёки беғараз) бермаслик;

ушбу Битим бўйича Хусусий шерик томонидан мажбуриятлар бажарилишининг мониторингини олиб боришда Давлат шерикларига тўсқинлик қилмаслик.

Хусусий шерик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. ДАВЛАТ ШЕРИКЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИК ЎРТАСИДА ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

5.1. Тарафлар ўртасида хавф-хатарлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) **Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи ва Давлат шериги – экология органи** қуйидаги хавф-хатарларни олади:

ушбу Битим тузилганидан кейинги Давлат шериги томонидан ДХШ лойиҳасига киритиладиган ўзгартиришларнинг ДХШ лойиҳасига салбий таъсири хатарлари;

қонунчиликдаги ўзгаришларнинг ДХШ лойиҳасига салбий таъсири хатарлари;

сиёсий беқарорлик хатарлари;

мол-мулкнинг давлат томонидан мусодара қилиниши хатарлари;

б) **Хусусий шерик** қуйидаги хавф-хатарларни олади:

ДХШ лойиҳасига тегишли хавф хатарлар;
дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи;
яширин нуқсон хавфи;
молиявий хатарлар;
қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлган);
ДХШ лойиҳасининг суғуртасига оид хатарлар;
ушбу Битим тузилганидан кейинги Хусусий шерик томонидан
ДХШ лойиҳасига киритиладиган ўзгартиришларнинг ДХШ лойиҳасига салбий таъсири
хатарлари;
таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар;
операцион хатарлар;
экологик/ижтимоий хатарлар (эксплуатация билан боғлиқ);
оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар.

5.2. **Тарафларнинг** умумий бўлган хавф-хатарлари:

ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар;
солиқ билан боғлиқ хатарлар;
тарифларнинг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар;
талаб билан боғлиқ хатарлар;
Бошқа хавф-хатарлар.

5.3 Тарафлар ушбу Битим бўйича бирон-бир мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлиги учун, агар ушбу Битим кучга кирганидан кейин бундай мажбуриятларнинг бажарилмаслигини ёки лозим бўлмаган даражада бажарилганлигини енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келтириб чиқарган тақдирда, жавоб бермайдилар.

5.4. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига ушбу Битим кучга кирганидан кейин Тарафларнинг Битим бўйича мажбуриятларини бажаришига бевосита таъсир кўрсатган, мазкур шароитларда фавқулодда ва қутилмаган вазиятлар қиради. Бундай вазиятларга бозорда ишларни амалга ошириш учун зарур хизматлар ёки материаллар мавжуд эмаслиги ёки етишмаслигига тааллуқли ҳолатлар қирмайди.

5.5. Тараф дарҳол (ёки бошланган санадан бошлаб уч календарь кунидан кечикмай) енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларининг бошланиш санаси ва тавсифини аниқлаштирувчи ёзма равишда бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали хабар беради.

5.6. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари вужудга келган тақдирда, Тарафлар дарҳол юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари қидириш учун музокаралар олиб борадилар ва бундай ҳолатларнинг оқибатларини камайтириш учун барча воситаларни қўллайдилар.

5.7. Ушбу Битим бўйича ишларнинг енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари туфайли тўлиқ ёки қисман тўхтатилишида, мазкур ишларни олиб бориш даври енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларининг амал қилиш муддатига

узайтирилади ва енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тугаган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

6. МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

6.1. Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, давлат шериги билан келишган ҳолда амалга оширилади.

7. ХУСУСИЙ ШЕРИК ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРГА (КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА) ДОИР ТАРИФЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

7.1. ДХШ лойихаси бўйича кўрсатилган хизматларнинг тарифларини кўриб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ва тасдиқлаш муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4845-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифлари (хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) дастлаб нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқуллианганидан сўнг тасдиқланади.

8. КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

8.1. ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;

чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати;

контейнерларнинг ҳолати;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши.

8.2. Кўрсатилган хизматлар сифатини баҳолаш ушбу Битимга 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

8.3. Хусусий шерик томонидан кўрсатилган хизматлар натижадорлиги кетма-кет уч ой коникарсиз деб баҳоланган тақдирда, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма баравари миқдорида жарима солинади.**

Бунда, жарима суммаси ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Хусусий шерикка марказлашган тартибда тўланишида акцептсиз ушлаб қолиш йўли орқали ундирилади.

Хусусий шерикка жарима солинганидан сўнг кейинги уч ой давомида хизматлар натижадорлиги такроран қониқарсиз деб баҳоланган тақдирда ёки ушбу Битимга 5-иловага мувофиқ инвестиция шартларини ўз муддатида бажармаса Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ёки экология органи) ушбу Битимни бир томонлама бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

9. ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ

9.1. Битимнинг шартлари бажарилишини таъминланиши учун қуйидаги усуллар қўлланиши мумкин:

а) ушбу Битимнинг 8.3-банди биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолларда Хусусий шерикка жарима солиш;

б) ушбу Битим Хусусий шерик ташаббуси билан ёки ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда, ёхуд Хусусий шерик айби билан муддатидан олдин бекор қилинганда, Битим бекор қилинганидан сўнг 5 иш куни мобайнида Хусусий шерикка фойдаланишга берилган давлат мулкани Давлат шериги – экология органига (ёки у ваколат берган – балансда сақловчига) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида топшириш (қайтариш).

Бунда транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш суммаларининг ундирилган қисми Хусусий шерикка қайтариб берилмайди;

в) ушбу Битим Давлат шериги ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда (Хусусий шерик томонидан ушбу Битимнинг 4.6-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик, шунингдек, 8.3-банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) транспорт воситаларини бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш учун Хусусий шерик томонидан тўланган суммани қайтариб бериш.

Бунда, қайтариб бериладиган сумма индексация қилинмайди ва фоизлар тўланмайди;

г) ушбу Битимга мувофиқ Хусусий шерикка фойдаланиш учун берилган давлат мулкига етказилган зарарни Хусусий шерикдан ундириш.

9.2. Абонентларнинг каттиқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар бўйича 2021 йил _____га қадар бўлган қарздорликларини аниқлаш учун Давлат шериги – экология органи ва Хусусий шерикнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилади ва абонентларнинг мавжуд қарздорликлари ҳатловдан ўтказилади ҳамда далолатнома билан расмийлаштирилади.

9.3. Хусусий шерик Битим имзолангандан кейин бир ой муддатда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва шаклда Давлат шериги – экология органига ДХШ лойиҳаси концепциясида кўрсатилган **инвестиция суммасининг 1 (бир) % миқдоридаги _____ (_____)** сўм миқдорида Банк кафолати ёки кафиллик шартномасини тақдим этади.

Банк кафолати ёки кафиллик шартномаси Хусусий шерик ўз инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажарган тақдирда ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

10. ХУСУСИЙ ШЕРИКНИНГ ДАВЛАТ ШЕРИГИГА ТЎЛОВИ ШАКЛИ ВА УНДИРИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Битимнинг 2а-иловасига мувофиқ:

давлат мулки – транспорт воситалари ушбу иловада кўрсатилган муддат тугагунига қадар 3 (уч) ойлик имтиёзли давр билан (бунда, Битим тузилган ойдан бошлаб 3 (уч) ой тўлов ундирилмайди) ҳар ойда бўлиб тўлаб бориш тартибида сотиб олиш шарти билан Хусусий шерикка фойдаланишга берилади;

давлат кўчмас мулки ушбу Битимнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар Хусусий шерикка беғараз фойдаланишга берилади.

10.2. Бўлиб тўлаб бориш тартибида сотиб олиш ва (ёки) ижара тўлов суммалари ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича жисмоний шахслар (аҳоли)га кўрсатилган хизматлар ҳақининг Хусусий шерикка қонун ҳужжатларига мувофиқ, марказлашган тартибда тўланишида акцептсиз ушлаб қолиш йўли орқали ундирилади. Бунда акцептсиз ушлаб қолиш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, Хусусий шерик давлат шеригига тўловларнинг ундирилмаган қисмини қўшимча равишда тўланишини таъминлайди.

Хусусий шерикнинг хоҳишига кўра, давлат шеригига тўловлар муддатидан олдин қўшимча равишда тўлаб борилиши мумкин.

10.3. ДХШ лойиҳасини молиялаштириш Хусусий шерикнинг ўз маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

11. ХОДИМЛАРНИ ИШГА ОЛИШ ВА МЕҲНАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

11.1. Хусусий шерик Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги асосида, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига мувофиқ, ходимлар маълумотнинг энг паст даражасига қўйилган талабларга жавоб берадиган малакага эга ходимларни ишга ёллайди ва меҳнат муносабатларини юритади.

11.2. Битим муддати давомида Хусусий шерик ходимлар малакасини ошириш тизимини ташкил этиши ва қўллаб-қувватлаши шарт.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ИШОНТИРИШ ВА КАФОЛАТЛАРИ

12.1. Давлат шеригининг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи** ва **Давлат шериги-экология органи** **Хусусий шерикка** қуйидагиларни тасдиқлайдилар ва кафолатлайдилар:

Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи ва **Давлат шериги-экология органи** Битимни тузиш ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга бўлган ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан фаолиятини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади;

ушбу Битимнинг имзоланиши ва бажарилиши билан боғлиқ ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар **Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи** ва **Давлат шериги-экология органи** фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатлари, норматив -ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатлар талабларини бузмайди;

ушбу Битим Давлат шериги-давлат ҳокимияти органи ва Давлат шериги-экология органининг ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларини ифодалайди.

12.2. Хусусий шерикнинг ишонтириш ва кафолатлари

Битим тузилган сана ҳолатига ва унинг амал қилиш муддати давомида **Хусусий шерик Давлат шеригига** қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

Хусусий шерик Битимни имзолашга ва Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга ваколатли, белгиланган тартибда таъсис этилган, тегишли тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахс ҳисобланади;

ушбу Битимнинг тузилиши ва бажарилиши билан боғлиқ ҳар қандай келишув ва мажбуриятлар тартиб-қоидалари ёки Хусусий шерик фаолиятига тааллуқли норматив - ҳуқуқий ёки бошқа ҳужжатлар қонун талабларини бузмайди;

ушбу Битим Хусусий шерикнинг ҳақиқий, юридик кучга эга бўлган ва мажбурий бажарилиши лозим бўлган мажбуриятини ифодалайди;

Хусусий шерик тугатиш жараёнида ёки хавфи остида эмас ҳамда тўловга лаёқатсиз (банкрот) ёки лаёқатсизлик (банкрот) хавфи остида эмас;

Хусусий шерик Битимда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришни кафолатлайди ҳамда Битим шартларининг бир ёки бир нечтаси бажарилмаслиги учун мазкур Битим ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар эканлигини тасдиқлайди;

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси бюджети ёки бюджетдан ташқари жамғармаларига тўланиши лозим бўлган, ҳар қандай даражадаги солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликка эга эмас;

Хусусий шерикнинг мансабдор шахслари фирибгарлик, коррупция, тил бириктириш, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш, жисмоний зўравонлик, инсон ҳаётига зарар етказиш билан боғлиқ жиноят учун судланмаган ҳамда жорий йилда жиноий фаолияти учун тергов жараёнида эмас.

12.3. Кафолатларнинг бузилиш оқибатлари

Ҳар бир Тараф мазкур Битимнинг 12.1 ва 12.3-бандларида келтирилган, бошқа Тараф кафолатларидан бирининг нотўғри, ноаниқ ёки чалкашликка олиб келиши натижасида етказилган ёки ишонтириш ва кафолатлар шартларини бузиш оқибатида юзага келган зарарлар, харажатлар ва бошқа қарз мажбуриятларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ундириш ҳуқуқига эга.

13. БИТИМНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Ушбу Битимни ўзгартириш ва бекор қилиш Тарафларнинг розилиги бўйича ёки енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари вужудга келганда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат шериги-экология органи хусусий шерик билан келишувга кўра, мазкур битимнинг 2а, 2б-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга бўлиб, бунини Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда амалга оширади ҳамда давлат шериги - давлат ҳокимият органига шунингдек, ваколатли давлат органига битимнинг ўзгартирилган ва тасдиқланган 2а ва 2б-иловаларини **3 иш кунинда** маълумот учун юбориши шарт.

Мазкур битимнинг 4.6 бандига мувофиқ амалга оширилиши кўзда тутилган инвестиция лойиҳаси параметрларига ўзгартиришлар киритиш унда белгиланган инвестиция миқдорини камайтирмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

13.2. Ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар қўшимча келишувлар тузиш орқали ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Бунда мазкур битимнинг 2а ва 2б-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган ҳолларда қўшимча келишув қилиш талаб этилмайди.

13.3. Тарафлар келиша олмаган тақдирда, ушбу Битимга барча ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.4. Тарафлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Битимни бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

13.5. Қуйидаги ҳолатларда Битимни бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилади:

Хусусий шерик фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши;

ушбу Битимнинг 8.3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатларда Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ёки экология органи)нинг ташаббуси бўйича;

ўз фаолиятини тўхтатиш мақсади тўғрисида фаолиятнинг тўхтатилиши кутилаётган санадан уч ой олдин Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ва экология органи)ни хабардор қилган ҳолда, Хусусий шерикнинг ташаббуси билан.

13.6. Ушбу Битимни бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф иккинчи ва учинчи Тарафга бевосита топшириш, почта алоқаси ёки электрон шаклда, уларни олганлиги тўғрисидаги хабарнома юбориш орқали ёзма билдиришнома юборади.

13.7. Битим амал қилиш муддати тугаганидан кейин тугатилади. Бунда, Хусусий шерик томонидан ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятлар қониқарли бажарилган тақдирда, Битимнинг амал қилиш муддати Тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга узайтирилиши мумкин.

14. СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

14.1. Хавф-хатарларни инobatга олган ҳолда, суғурталашга зарурат бўлганлиги сабабли, Хусусий шерик қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу Битимга мувофиқ унга берилган давлат мулкани суғурталайди.

15. ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАР

15.1. Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш харажатлари Хусусий шерик томонидан амалга оширилади.

15.2. Тарафларнинг келишуви асосида:

қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишлари учун битимлар тузиш муддатлари, қурилишни молиялаштириш манбалари, амалга ошириш жадваллари, қурилишнинг бориши устидан техник назорат қилиш тартиби;

ДХШ объектларидан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, модернизациялаш тартиби;

ДХШ объектини қуриш учун эскиз лойиҳавий таклиф ҳужжатлари;

таклиф этилаётган ДХШ лойиҳаси ҳисоб-китобларининг асосланганлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

16. БИТИМ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

16.1. Ушбу Битим бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим бўлмаган даражада бажарилган тақдирда, ушбу Битимнинг 9.1-бандига мувофиқ, битимнинг шартлари бажарилишини таъминлаш усуллари қўлланилади.

16.2. Ушбу Битимнинг 9.1-банди ижросидан қатъий назар, Битим мажбуриятларини бузган Тараф:

бошқа тарафга ўзи етказган зарарни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ва ушбу битимда назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Етказилган зарарларга битим мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, мол-мулк йўқолиши ёки шикастланиши муносабати билан тараф қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлар, шунингдек агар иккинчи тараф битим мажбуриятларини бажарганида тараф олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар ва бошқалар киради.

16.3. Битимнинг амал қилиш муддати тўхтатилиши Тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

17. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

17.1. Ушбу Битим доирасида келиб чиқадиган низолар Тарафларнинг ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилади.

17.2. Ушбу Битимда кўзда тутилган мажбуриятлар бузилган тақдирда, ушбу Битим бўйича ҳуқуқлари бузилган Тараф ҳуқуқлари бузилган кундан эътиборан 10 (ўн) календарь кун ичида бошқа Тарафга бузилишни бартараф этиш тўғрисида ёзма талабнома юбориши лозим. Тарафлар ёзма талабнома юборилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь кун ичида барча имкониятларни ишга солган ҳолда ушбу Битимда назарда тутилган мажбуриятларнинг бузилиш ҳолатини бартараф этиш тўғрисида келишиб олишга мажбурдир. Агар келишмовчиликлар 30 (ўттиз) календарь кун ичида бартараф этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17.3. Келишув билан ҳал этилмаган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

18. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18.1. Давлат шериги (давлат ҳокимияти органи ва экология органи) ушбу Битим бўйича юзага келган камчиликлар, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга оширишда оғишлар туфайли, агарда бундай оғишлар иқтисодий асослантилган ва бажариш жадвалида йўл қўйилган ордда қолишларни ўрнини тўлдириш ва жарима санкцияларини тўлаш юзасидан Хусусий шерикнинг ёзма қафолатлари мавжуд бўлган ҳолларда, Битимни бекор қилинмаслигини қафолатлайди.

18.2. Тарафлар Битим бўйича ҳуқуқий муносабатларидаги ҳуқуқий ҳолатига таъсир қиладиган барча ўзгаришлар (номи, рўйхатга олиш жойи, юридик шахснинг

ташкилий-ҳуқуқий шакли, банкротлик тартиботи очилганлиги) тўғрисида ўзгаришлар рўй берган кундан бошлаб ўттиз кундан кечикмай иккинчи Тарафга хабар берадилар.

18.3. Ушбу Битим бир хил юридик кучга эга бўлган 4 (тўрт) асл нусхада ўзбек тилида тузилди. Бир нусхаси Давлат шериги – давлат ҳокимияти органида, иккинчи нусхаси Давлат шериги – экология органида, учинчи нусхаси – Хусусий шерикда ҳамда тўртинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигида сақланади.

19. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Давлат шериги – давлат ҳокимияти органи”

“Давлат шериги – экология органи”

_____ вилояти ҳокими

Бошқарма бошлиғи

(имзо, муҳр)

(имзо, муҳр)

“Хусусий шерик”

_____ (тўлик номи)

Х/р: _____

Раҳбари: _____

(имзо, муҳр)

Илова 1:

Машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича ҳизмат кўрсатиш учун Хусусий шерикка бириктирилаётган ҳудудлар

Илова 2а:

Хусусий шерикка фойдаланишга топширилаётган давлат мулкининг рўйхати

Илова 2б:

Хусусий шерикка бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш шарти билан фойдаланишга топширилаётган транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг қийматини йиллар кесимидаги ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Илова 3:

Машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги 20 ____ йил “____” _____ даги ____-сон битимга ____-сон қаттиқ машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар далолатномаси

Илова 4:

Қаттиқ машиий чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш

Илова 5:

Хусусий шерик томонидан _____ туманларида Давлат-шериклик шартлари асосидаги лойиҳа давомида амалга ошириладиган битим шартлари (КРЛари) тўғрисида маълумот

ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН СЎРОВ
ДХШ асосида маиший чикиндиларни бошқариш лойиҳаси

				202__ йил “__” ____ даги						
				____-сон битимга 2б-илова						
Хусусий шерикка бўлиб тўлаш тартибида сотиб олиш шarti билан										
фойдаланишга топширилаётган транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг қийматини йиллар кесмидаги										
ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ										
				Шу жумладан йиллар бўйича						
Т/Р	Транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг	Давлат номери	Жами тўлов суммаси	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2026 йил	2027 йил
1										
2										
3										
4										
5										
6										
7										
8										
9										
10										
11										
	ЖАМИ:		0	0	0	0	0	0	0	0
	Давлат шериги- экология органи						(Ф.И.О.)			
	Хусусий шерик						(Ф.И.О.)			

202__ йил “__” ____ даги
____-сон Битимга 3-илова

**Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
хизматлари кўрсатиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги
20__ йил “__” ____ даги ____-сон битимга ____-сон
қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш
бўйича бажарилган ишлар далолатномаси**

Шаҳар (туман) _____

20__ йил “__” ____

Биз, қуйида имзо
чекувчилар,

_____ (Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органи)

ҳузуридаги Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғи

_____ ва

(Ф.И.О.)

_____ раҳбари

(Хусусий шерик – юридик шахснинг тўлиқ номи)

_____ (Ф.И.О.)

ушбу далолатномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1. 20__ йил “__” ____ даги ____-сон Битимга мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан унга бириктирилган ҳудудда 20__ йилнинг ____ ойида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича ушбу далолатноманинг 2-бандида кўрсатилган ҳажмдаги хизматлар кўрсатилди.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар:

Т/р	Бириктирилган худудлар	Қатновлар сони	Олиб чиқиб кетилган қаттиқ маиший чиқинди ҳажми (м ³)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда)	Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича бажарилган ишлар қиймати (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда)
1.					
...					

_____ (хизмат кўрсатувчи ташкилот раҳбарининг Ф.И.О.)

_____ (Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш маркази бошлиғининг Ф.И.О.)

_____ (имзо ва муҳр)

_____ (имзо ва муҳр)

202__ йил “__” ____ даги
____-сон битимга 4-илова

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш

Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар натижадорлигини баҳолаш 100 баллик шкаладан келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар бўйича қониқарсиз баҳо учун ҳар бир кўрсаткич бўйича муайян балл олиб ташланади.

1. Абонентларнинг маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлардан қаноатланганлиги;

$S=A/C*100$, бунда:

S - 100 та абонентга тўғри келадиган шикоятлар сони;

A - ҳисобот оyi учун шикоятлар сони;

C - абонентлар сони.

Бунда:

агар $3 \leq S < 10$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $10 \leq S < 20$ - 15 балл олиб ташланади;

агар $S \geq 20$ - 20 балл олиб ташланади.

2. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалларига риоя этилиши;

$T=G/F$, бунда:

T - тасдиқланган қатновларнинг бир ойда бажарилиш коэффициентини;

G - бир ойда ҳақиқатда амалга оширилган қатновлар сони;

F - бир ойга тасдиқланган қатновлар сони.

Бунда:

агар $0,8 \leq T < 1$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $0,75 \leq T < 0,8$ - 15 балл олиб ташланади;

агар $T < 0,75$ - 20 балл олиб ташланади.

3. Чиқинди тўплаш шохобчаларининг ҳолати*.

$P=B/D$, бунда:

P - талабларга жавоб бериш даражасини;

B - талабларга жавоб берадиган чиқинди тўплаш шохобчалари сони;

D - бириктирилган ҳудуддаги чиқинди тўплаш шохобчаларининг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9 \leq P < 1$ - 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 \leq P < 0,9$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $P < 0,7$ - 15 балл олиб ташланади.

4. Контейнерларнинг ҳолати*.

К=Н/Р, бунда:

К - талабларга жавоб бериш даражаси;

Н - талабларга жавоб берадиган контейнерлар сони;

Р - бириктирилган ҳудуддаги контейнерларнинг умумий сони.

Бунда:

агар $0,9 \leq K < 1$ - 5 балл олиб ташланади;

агар $0,7 \leq K < 0,9$ - 10 балл олиб ташланади;

агар $K < 0,7$ - 15 балл олиб ташланади.

5. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши.

биттадан учтагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 20 балл олиб ташланади;

тўртадан бештагача ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 25 балл олиб ташланади;

олтитадан ортиқ ҳолатларда табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши аниқланганда – 30 балл олиб ташланади;

6. Кўрсатилган хизматлар натижадорлиги Санитар тозалаш маркази қарори бўйича:

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан камни ташкил қилса – қониқарсиз;

агар баллар йиғиндиси 40 баллдан 60 баллгачани (60 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – паст;

агар баллар йиғиндиси 60 баллдан 80 баллгачани (80 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – ўрта;

агар баллар йиғиндиси 80 баллдан 90 баллгачани (90 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – етарли;

агар баллар йиғиндиси 90 баллдан 100 баллгачани (100 ҳам қўшилган ҳолда) ташкил қилса – қониқарли деб эътироф этилади.

**) Баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори билан тасдиқланган Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириши ва улардан фойдаланиши ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириши қондалари талабларидан келиб чиқиб, амалга оширилади.*

*ТЕНДЕР ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ УЧУН СЎРОВ
ДХШ асосида машиий чикиндиларни бошқариш лойиҳаси*

202__ йил “__” ____ даги

____-сон Битимга 5-илова

**Хусусий шерик томонидан _____ туманларида Далат-шериклик шартлари асосидаги лойиҳа давомида амалга
ошириладиган битим шартлари (КРЛари) тўғрисида Маълумот**

г/р	Кўрсаткичлар	Бирлик	2020 йил 1 ноябр ҳолатига	2021	2022	2023	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
1	Кириладиغان инвестицияларнинг жами миқдори	млн.сўм											
2	Чикинди ташувчи техникалари сотиб олиш	дона											
3	Чикиндиларни қайта юклаш станцияси (эстакада) қуриш	дона											
4	Чикинди тўплаш шахобчалари қуриш	дона											
5	Чикинди тўплаш шахобчаларини контейнерлар билан жиҳозлаш	дона											
6	Тариф аҳоли истеъмолчиларига	сўм/1 киши учун/1 ойга											
7	Тариф юридик шахсларга	сўм/1м3											
8	Аҳолини чикинди ташини хизмати билан камраб олиш	фонз (%) да											
9	Лойиҳа давомида яратиладиغان янги иш ўринлари	киши											